

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 44 (65920)
1996 йил, 26 июнь, чоршанбаСотувда эркин
нархда

САМАРҚАНДА БАЙРАМ БУЛАДИ

Самарқандда байрамлар жуда кўп булади, турли тантанаву тадбирлар муносабати билан карнай-сурнай садо-лари янграб туриши одатий ҳолга айланиб қолган. Бу галги карнай-сурнайнинг хуш наволари самарқандликларни китоб савдоси байрамига чорлади.

Бозор муносабатлари туфайли бундай байрамлар анчадан буён утказилмаётган эди. Кейинги икки йил ичида ижобий узгаришлар бўлди. Республикамизга қоғоз олиб

келиш йўллари очилди. Нашриётлар энг сара китобларни нашр эта бошлади. Натижада ўқувчилар билан ёзувчилар орасидаги боғланиш яна жонланди.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси республикаимизнинг беш йиллик туйи муносабати билан шаҳарларда китоб савдоси байрамларини утказиш ташаббуси билан чиқди. Бундай маънавий байрами биринчи бор Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтди.



Самарқандликлар Омон Матжон, Нормурод Нарзий, Сафар Барноев, Икром Отамуродов, Ёқуб Хужаев, Эркин Маликов, Аъзам Уктам, Абдували Қутбидин, Усмон Қучқор, Хабиб Абдуназир, Раъно Раҳмон қизи каби севимли шоир ва ёзувчиларини, шунингдек, «Ўқитувчи»,

«Меҳнат», «Фан», «Чулпон» нашриётлари ноширларини илиқ қарши олдилар. Самарқанднинг қадимий боғида китоблар курғазмаси ташкил қилинди. Шеърят мушоирасини шоир Омон Матжон бошлаб берди. Адабий учрашув Самарқанд Давлат дорилфунунида, билим юртлари, шаҳар халқ маорифи бўлимларида, мактабларда давом этди. Байрам қатнашчилари Ал-Бухорий, Махдуми Аъзам, зиёратхоналарида, Амир Темур боғи бўлимиш Боғизоғонда бўлдилар.

Янги-янги шеърлар тугилди, ажойиб асарларнинг режалари тузилди.

Республикаимизнинг шаҳару қишлоқларида бошланган маънавий байрамлари мустақиллигимизнинг яна бир ширин-шакар мевасидир. Республика матбуот қўмитасининг бу хайрли ташаббуси Ўзбекистонимизнинг минг куз-ли узугига мос ёқут куз бўлиб тушди. Байрам иштирокчиларининг таассуротлари ана шундай.

Эркин МАЛИКОВ.



экансан, инглиз тилини қандай ургандинг?» деган саволимизга ҳаммамизни ҳайратлантириб, инглиз тилида жавоб қайтарди. «Ўзим лугат китобларидан ўқиб, урганганман», дея таржима ҳам қилиб берди.

— Бор-йўғи беш ёшда экансан, қандай қилиб 2-синфда ўқиясан? Ё бироз қўшвордингми, а?

— Мен ҳечам ёлғон гапирмайман. Ростдан ҳам 2-синфда ўқийман. Папкамни кутара олмаганим учун акаларим Ойбек, Отабеклар олиб бериб беришади. Қайтишда эса юқори синф қизларидан бири папкамни, яна бири ўзимни кутариб уйга олиб келиб қўйишади. Мен бўлса уларга қўшиқ айтиб бераман. (Ўзи қикирлаб кулади)

— Бўйинг ҳам кичкина, доскага қандай ёзасан?

— Купинча ўқитувчимиз Ҳанифа опам кутариб турадилар, мен эса ёзаман. Синфдош уртокларим ҳам бемалол

кутара олишади.

— Дилшодбек, неча ёши-нгдан қўшиқ айтасан?

— Э, эсимда йўқ. Кичкиналимдан айтиб юраман.

бўлмоқчиман. Ҳаммасидан ҳам яхши курганим — мультфильмлар томоша қилиш.

— Мактабда ўқишларинг

**Кичкина одам
билан катта
суҳбат**

ДОСКАГА БҲЙИМ ЕТМАЙДИ

Қўшиқ айтишни онамдан урганганман. Ҳозир эса Тошкентда композиторлар Дилором опа Омонулласва билан Анор ака Назаровлар ургатишяпти. Қахрамон Отаевнинг «А-я-я-я», Алижон Азимовнинг «Фаррух бобо», Анвар Обиджоннинг «Капалак», «Қўғирчоқ» каби шеърларини қўшиқ қилиб айтаяпман. «Ўзбек элим», «Озод элим ўғлиман», «Хумо қўшим» деган қўшиқларимни жуда яхши кураман.

— Қўшиқ айтишдан ташқари яна нималарни ёқтира-сан?

— Янами? Расм чизишни яхши кураман, кўпроқ қўшларнинг расмини чизаман. Яна компьютерда уйнашни ёқтираман. Равшан Комилов, Фаррух Зокиров, Мухриддин Ҳолиқов ва Козим Қаюмовларнинг қўшиқларини магнитофонда қўйиб, ўзим ҳам қўшилишиб айтаман. Катта бўлсам, ушалардака қўшиқчи

қанақа?

— Ҳамма баҳоларим «5». Фақат математикадан «4»ларим бор-да.

— Дилшод, сени ҳамма яхши кўришини биласанми?

— Ҳм, лекин ҳаммадан ҳам кўпроқ ойим билан дадам яхши кўришади.

— Ўзинг кимни яхши кўрасан?

— Ойимни, дадамни, акаларим Ойбек ва Отабекларни, укам Бехзод, синглим Умидани, ҳамма-ҳаммани, сизни ҳам яхши кураман.

— Сенга қандай болалар ёқмайди?

— Менгами, йиғлоқи болалар.

— Мана сени ҳозир ҳамма танийди. Айт-чи, таниқли бўлиш яхши эканми?

— Йўқ. Куча-қуйда тинч юришга, ҳатто, маҳалламизда бемалол уйнашга қўйишмайди. Ҳамма гапга солади, кучоқлаб, упади...

— Дилшодбек, ёш бўлатуриб мактабда ўқир экансан, инглиз тили билан шуғулланаркансан, яна компьютер машғулотлари. Яқинда «Ўзбекистон — Ватаним маним» вилоят кўрик-танловида ҳам иштирок этибсан. Чарчаб қолмайсанми?

— Чарчасам, ухлаб оламан, ойим бошимни силаб утирадилар.

— Нимадан кўрқасан?

— Куз тегиб қолишидан.

— Кўз тегса нима бўлади?

— Билмадим, ойим доимо «Ёмон кузлардан узинг асрагин» дейдилар-ку.

Онаизорнинг ниятлари ижобат бўлеин! Кулча юзти, кулгичлари узига ярашган, ҳозиржавоб ва зукко, энг муҳими, ноёб қобилият эгаси бўлмиш Дилшодбегимизга кўз тегмасин! Парвозлари янада баланд бўлсин!

Тиловат СОАТОВА
суҳбатлашди

Бу кун тўртга тўламан,
Ўйнаб-ўйнаб куламан.
Истиқлолга тенг ёшим,
Кулиб турар қуёшим.
Ў-ў-ў-ў...

Навбатдаги суҳбатдошимиз ким эканлигини дарров фаҳмладингиз-а?! Ҳа-ҳа, худди ўзи, Мустақилликнинг 4 йиллигига бағишланган байрам тантаналарида қўшиқ қуйлаб, ҳаммани лол қолдирган Дилшодбек Каттабеков. У ҳозир 5 ёшда, лекин Алишер Навоий номли мактабнинг 2-синфида ўқийди. Баҳолари аъло, яна инглиз тилида бемалол гаплаша олади. Энг муҳими — доимо кулиб туради. «Дилшоджон, ҳали жуда ёш

Тенгдошларинг ижоди

ЎЗБЕКИСТОН
— ВАТАНИМ

Ягонадир Ватаним,
Ўзбекистоним маним!
Таърифингни битишга,
Етмас сузларим маним.
Боғу-роғинг бепоён,
Овозанг кетган ҳар ён.
Ютуқларинг бир жаҳон,
Ватаним Ўзбекистон!
Сенга фидо жону-тан,
Она юрт Ўзбекистон!



ШИФОХОНАДА

Бир киши шифокор ёнига
бориб,
Куп ҳасрат қилибди, дардини
айтиб:
— Қорним оғрияпти, берингиз
ёрдам,
Дорингиз ичиб, булайин
бардам.
Сунг доктор бемордан савол
сурабди:
— Кеча ва буғун ёдингиз нима?
Бемор эса қорнини силаб,
— Бугун ҳеч нима, кеча
қандайдир мева.
Доктор беморга дори берибди,
Кузингизга томизинг, дея
буйруқ қилибди.
Бемор эса дебди: оғримас кузим,
Қорним оғрияпти, дедим-ку
узим.
Аввал даволаймиз биз кузни,
Шунда ҳар нарсдан бироз
тиясиз ўзни!

Шахло Тўлаганова,
Тошкентдаги 22-мактаб
ўқувчиси.

МЕНИНГ ШОГИРДИМ ЭДИ

Ўқишлар тугай деб қолган кунлар эди. Дилором алламаҳалгача дарс тайёрлаб утирди. Дастлаб қогозга туғри чизиқлар чизиб олди. Уларнинг устига қандайдир белгилар қуйиб чиқди-да, охишта куй хиргойи қила бошлади. Қизининг мусиқа фанидан шунча узоқ дарс тайёрлаётганини курган онаси «Биз мактабда ўқиган пайтларда ашула дарсини фан ҳам демасдик.

«Оқ пахта, оппоқ пахта,
Ипакдек юмшоқ пахта...» дердик-да, «5» ни олиб кетаверардик, — деди ҳазил аралаш.

— Агар сиз ўқитувчимиз Носиржон ака билан бир бор суҳбатлашганингизда, мусиқа фани ҳақида бундай фикрда бўлмасдингиз, — деди Дилором норози оҳанг-да. — Мусиқа фанига иккинчи даражали фан деб қарайдиганлар қаттиқ янглишишади. У ҳам худди математика, физика, она тили, адабиёт каби муҳим фандир, — ўқитиладилар бизга доим Носиржон ака. Ўзлари ҳам ута талабчанлар-да. «4» баҳоларим «5» ларимдан купроқ экан. Астойдил ҳаракат қилмасанг, чорагинга «4» чиқали, дедилар. Шунинг учун дарс тайёрлаб утирибман...

Дилоромнинг таъриф берганича бор: Носиржон ака Мамадалиев мана 32 йилдирки, Комсомолбод ва Балиқчи туманларидаги мактабларда мусиқа фанидан сабоқ бериб келяпти. Ўзига ҳам, шогирдларига нисбатан ҳам ута талабчан устоз. Мусиқа фани ҳар бир синфда миллий қолғу асбоблари журлигида, худди бир

байрамдек утали. Рубоб, дутор, доира каби миллий қолғу асбоблари Носиржон аканинг қўлида «булбулдек сайраб» кетади туге. Болалар учун куйлар ҳам ёзади. Шундан булса керак, Носиржон аканинг иш тажрибаси вилоят миқёсида оммалаштирилган.

1988 йилда Т. Абдуллаев номли 21-мактаб ўқувчилари орасидан санъатга ихлосманд болаларни танлаб олиб, «Қалдирғоч» номли даста тузганди. Шундан буюн туман ҳамда жамоа хужалигида утказиладиган ҳеч бир тантана ва тадбир дастанинг иштирокисиз ўтмайди. Малика Асқарова, Исроиля Исмонов, Муножот Ҳакимова, Қўндуз Искандарова, ака-ука Ҳамидулло ва Аъзам Исоқов каби дастанинг фаол аъзолари ижросидаги куй ва қўшиқларни нафақат болалар, катталар ҳам бажонидил тинглашади. Дастанинг яксахон хонандаси Моҳичехра Абдуқодирова «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар курик-танловининг совриндори бўлди.

Яқинда Носиржон ака ҳаётида унутилмас воқеа рўй берди: куп йиллик самарали меҳнатлари муносиб тақдирланиб «Олий тоифали ўқитувчи» унвони берилди. Жонкуяр ва заҳматқаш муаллимнинг орзулари мул. Радио, телевидение орқали болалар овози купроқ янграса. Яна, кейинчалик ёқимли қўшиқ куйлаётган ўқувчиларини таниб қолиб, «Бу менин шогирдим эди» дея олса бас!

Нилуфар ДАВИДОВА
Андижон вилояти.

Таътилнинг айна қизиган палласи. Уни фойдали ишлар билан серзавқ ва кунгилли ўтказиш куп жиҳатдан катталарга боғлиқ. Таътил фақат дам олиш, уйнаб-кулиш, уззу-кун телевизор қаршисида утириш дегани эмас, албатта. Бешинчи чорак — меҳнат чораги ҳамдир.

Хуш, андижонлик болалар ёзги таътилни қандай ўтказишяпти?

Андижон вилояти, Балиқчи тумани халқ таълими бўлими мудир Тургунбой ака Урмонов шундай ҳикоя қилади:

1500 дан зиёд ўғил-қизларимиз «Дилором» ва «Охунбобоев» номли соғломлаштириш оромгоҳларида дам олишяпти. Хонободдаги иқтидорли болалар оромгоҳида эса туман мактабларида таҳсил олаётган иқтидорли ва аълочи ўқувчилар ҳордиқ чиқаришяпти. Мактаблар қошида ташкил қилинган куплаб кундузги оромгоҳлар ҳам болалар билан гавжум. Бундай масканларда турли ҳунар тугарақлари ташкил қилинган бўлиб, тажрибали ва моҳир ўқитувчилар мунтазам машғулотлар олиб боришяпти. Ҳунар урганаётган болалар фақат таътил кунларидагина эмас, кейинчалик ҳам тугарақда машғулотларни давом эттириш истагини билдиришяпти.

БЕШИНЧИ ЧОРАК

Сайру саёҳатларсиз таътил таътилми? Ўқувчиларимиз Наманган, Фаргона водийларининг хушманзара жойларига саёҳатлар уюштиришяпти. Куплаб спорт-соғломлаштириш, меҳнат-роҳат оромгоҳлари ҳам болаларни уз бағрига олди. Уларнинг таътил кунлари Қорадар соҳили, Учсоҳилнинг сулим қирғоқларида ўтяпти. Туман маданият уйи ходимлари болалар ҳузурида тез-тез бўлиб, ажойиб концерт дастурларини намойиш этишяпти. Кунора болаларбоп фильмлар томоша қилиш уларнинг жону-дили. Меҳнат-роҳат оромгоҳлари, ишлаб-чиқариш бригадаларига аъзо бўлган ёшларимиз ота-оналари юмушини енгиллаштириш иштиёқида меҳнат қиляптилар. Полиларда етилган бодринг, карам, картошка, пиез каби маҳсулотларни йигиб-териш олиш, ем-хашак туплаш ишларида катталарнинг беминнат кўмакчилари бўлишяпти. Улар эрта билан салқинда 4-5 соат ижтимоий фойдали меҳнат билан шугулланадилар-да, кейин мириқиб дам оладилар. Турли спорт мусобақалари, топқирлар, билагонлар беллашувларини уюштиришда уларнинг олдига тушадигани йўқ. Буш вақтларида Ватанимиз табияти, қазилма бойликлари, доривор гиёҳлари, ҳайвонот ва усимликлар олами билан яқиндан танишишади. Яна, спорт билан ҳам самимий дўстлашишган. Халқ ва техника ижодиёти марказларига қатнаб, ҳунар урганишяпти. Демак, андижонлик болалар олтинга тенг фурсатлари — таътил давларини сермазмун ва фойдали ўтказишяпти.



Қандай дам оляпсиз?

ОРОМГОҲДАГИ ОРОМ


Миробод туманидаги 154-мактаб қошида ташкил қилинган болалар оромгоҳида 100 нафар ўғил-қизнинг ёзги таътил кунлари мароқли ва таассуротларга бой ўтяпти. Тажрибали муаллима Маъсума опа Зокирова раҳбарлик қиляётган ушбу ором масканида болаларнинг кунгилдагидек дам олишлари учун барча қулайликлар яратилган. Мактабнинг соя-салқин боғи — болаларнинг энг севимли жойи. Шахмат-шашка, мусавирлик, моҳир қўллар, бадий ҳаваскорлик, мусиқа тугарақлари мунтазам ишлаб турибди. «Ватанимни шараф-

лайман», «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзуидаги суҳбат ва учрашувлар она юртга, Ватанга муҳаббат руҳида ўтган бўлса, зукко ва ҳозиржавоб болалар «Амир Темур ким? У ҳақда ким нима билди?» деб номланган топқирлик уйин-викторинасида билагонликларини синаб курдилар. Спорт ишқибозлари «Соғлом авлод учун», «Кувноқ стартлар» номли беллашувларда куч синашган бўлса, бадий ҳаваскорлик тугараги қатнашчилари туман оромгоҳлараро ўтказилган курик-танловида иштирок этиб, голибликни қўлга киритди-

лар. Эндиликда улар шаҳар танловида қатнашиш учун жиддий ҳозирлик куришяпти.

Кувонарлиси шундаки, оромгоҳга йўланма нархи 990 сум бўлса, шундан атиги 10 фоизи, яъни 99 суми ота-оналар зиммасига тушяпти. Бу ерда болаларнинг мароқли ҳордиқ чиқарётганликларини уларнинг қизиқарли ҳикояларидан, таътил таассуротларидан ҳам билса бўлади.

Азиза ҚОРАБОЕВА,
Тошкент шаҳридаги 110-мактабнинг 9-синф
ўқувчиси.



АЛЛА

Бир куни кузимни очсам, уй жим-жит, қия очик қолган деразадан офтоб нурлари тушиб, хонада митти-митти қунғироқчалар жаранглаётгандек. Бошимни кутарсам, кузим тиниб кетди. Шунда билдимки, хонам жийда ифорига тулган, қуёш нурлари билан талашиб, жиринглаётган экан. Бу ҳолат шу қадар масъум эдики, мен узимдан узим қулар, манг-лайимга жийда ислари урилиб, улар билан беихтиёр қувлашардим. Бу масъум ҳолатимнинг сабабчиси булмиш энам эпикда рўзгорнинг минг хил ташвишлари билан куймаланар, дамбадам унинг:

«Ҳай, Саъдулла (менинг акам), тур урнингдан, кучути-ннга сув бериб куйгин, чанқаб кетибди» деган гаплари қулоққа чалиниб қоларди.

Ёдимда, энам мени ҳаммаша алла айтиб, алла оҳангида қули билан шапатиллаб ухлатар эди. Мен эса унинг меҳнатда қотган чайир билакларига бош қуйган куйи ухлаб қолардим. Менинг онам айтган аллани ҳали дунёда ҳеч ким айтган эмас ва ҳеч ким мендай эшитган эмас. Онам узундан-узоқ алла айтарди. Уни эшитишим биланоқ, гарчанд ёш қизалоқ булсамда, кўз олдимга олисолисларга, осмонларнинг тубига туташиб кетган йул қури-нар, йул четида кетаётган одамларни неча бор уйласам-да, улар менга бегона эди. Онам алласини тугатиш арафасида шундай куйларди:

«Алла болам, алла,
Кўзимнинг нури алла.
Белим қуввати алла,
Уйимнинг гули алла.
Қаро кўзлим алла,
Шакар сўзлим алла.
Кўнглимнинг овунчоғи,
Алла кўзим, алла.

Энамнинг алласида қандайдир мунг, қайғу бор эди, умрлар қаддини букиб, сочиға қиров қундириб кетган мангу армонлари бор эди. Бу алла қушиқдан кура купроқ йиғига ухшарди. Узлари сезмаган ҳолда бувамини урушга кузатган кезларини, қаҳратонда музлаб қолиб, нобуд бўлган чақалоқлари қисмати, урушдан кейинги поезд йули қурилишида ишлаган дамларини бир-бир хотирлардилар, кўз ёшлари эса

юзларини ювиб тушаверарди. Мен ҳар гал энам алласини айтиб бўлиб чиқиб кетишини пойлаб ётардим-да, сунг юм-юм йиғлардим. Ҳа, йиғлардим. Мен алла эшитиб сира овунмаган-

ЛОВУЛЛАГАН ҚУЁШ

Биз болалар билан қуй боқиб юрганимизда вақтнинг утишини соямизни улчаб билардик. Гарчанд қул яқинида яшовчи Акбар ака ҳар гал бизни куйларимиз билан қўшиб тирқиратиб қувса-да, турли уйинлар уйнаса-да, қуёш сира ботмасди. Бошимиз узра ловуллаб тураверарди. «Қумилмажак», «Урма туп», «Қовун-қовун» уйнардик. Қоронгу тушгач Ойдинкул уртасида яшовчи махлуқ ва ой ёруғида сочини

«Шамол-шамол» уйинини ёқтирардик. Ҳаммамиз бир бўлиб, хуштак чалиб, шамолни чақирардик: «Ша-мо-л, бо-ланг қудуққа тушиб кетди, кетмонинг билан белингни олиб юг-ур» дердик. Тасодифми, билмадим, ҳақиқатан ҳам зумда шамол туриб, атроф тус-туполон бўлиб кетарди. Назаримизда, биз табиатнинг бир қисмидек яшардик. Ишонасизларми йўқми, бир дугонаимизнинг уйи шамолнинг уясига қурилган бўлиб, ҳар баҳор қаҳри

ОНАМНИНГ КҮМҮШ АЛЛАСИ

ман ва айнан бошимни курпага буркаб йиғлаш учун эшитардим. Энди билсам, ана шу алла энам ва мени, қалбимизнинг энг қўхна ва мусоффо туйғуларини, азалий ва абадий қондошлик шажарасини боғлаб турган Мангу ришталардан бири экан.

Аллада қайғу бор, Ватан бор, жон бор, кимки алла эшитиб улғайган бўлса, шу инсоннинг қалби энг самимий ва масъум туйғуларга тула булади.

тараб утиралиган сув парилари ҳақида ҳикоялар туқиб, бир-биримизни кўрқитардик.

Ушанда Ойдинкул жуда чуқур бўлиб, унинг энг чуқур жойида сувҳукиз деган ғаройиб махлуқ яшарди. Баъзан унинг ярим кечалари, «оҳ-оҳ» деган овози қишлоқнинг нариги чеккасигача эшитиларди. Қуй-қузиларимиз йўқолиб қолса, лаққа балиқ ёки сувҳукиз ютиб юборди, деб ваҳима қилардик.

келган шамол уларнинг томини кучириб кетарди.

Йиллар утиши билан ташвишларимиз купайиб боравераркан. Шунданми, бошим узра ловуллаб турган қуёшни охири марта қачон курганимни эслолмайман. Тонг отади, кун ботади, йиллар орзу-армонларимизни елкасига ортмоқлаб утиб кетаверади, бизни тобора болалик кунларимиздан олисларга етаклаб кетаверади.

Саломат Вафо 1962 йил Хоразмнинг Манақ қишлоғида туғилган. Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика куллитини тамомлаб, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасига ишга кирди. 1986 йилда «Фарида», 1991 йилда «Ўзини излаётган аёл» номли ҳикоя ва қиссалар китоби чоп этилган.

Айни пайтда адиба «Амазонка» тарихий романи устида ишляпти. Унинг ҳикоялари алақачон ўз мухлисларини топган. Уларни ўқир экансиз, ундаги воқеаларнинг қачонлардир атрофингизда рўй берганини эслагандек бўласиз. Юракнинг нозик ришталарига тегиб, қалбингизда ширин орзиқишми, соғинчми пайдо этидиган манзиллар тўлақинида сузасиз. Шунда бирдан юракдаги туйғу руҳингизни тебратиб бошлайди.

Саломат Вафонинг қаламига мансуб ҳар бир асар ўзининг қалбга яқинлиги билан ажралиб туради. У ҳоҳ ҳикоя бўлсин, ҳоҳ қисса, ўқини бошладингизми, албатта охиригача етказмас қўймайсиз.

Чунки у ёлғон ёзмайди, ундаги ҳар бир манзарада уйғоқлик бор, юрагидан сизган соғинч бор.

Қуйида эътиборингизга адибанинг «Болалик хотиралари»ни эълон қилаямиз. Ундаги ҳикоялар сиз учун таъиниш ва қадрдонлигига ҳеч шубҳа йўқ.



ОҚ ШАҲАР

Менинг болалигим турғунлик йилларига тўғри келганди. Оилада бош қиз булганим учун дала юмушларига мени юборишарди. Эрталабки соат тўртда туриб, далага ошиқардим, қош қорайганда уйга қайтардим. Бу ишлар шу қадар зерикарли ва адоқсиз эдики, айниқса, гўзани қатқалоқ қилиш кунлари сира ёдимдан чиқмайди. Темир санчқини эгат охиригача балки, миллион марта урган бўлсам керак. Қулларим толиб кетарди...

Ушанда, мен ҳаммаша телевизорда курадиган, нурга чумилган оппоқ шаҳар ҳақида уйлардим. Орзу қилардим, тушларимда ҳам қуриб чиқардим. Қишлоғимизга телевизор янги келган кунларни эслайман, барча қушниларимиз йиғилишиб бизникига келишарди. Экранда Оқ шаҳар қурилиши билан «Ана Тошкент, ана Тошкент» дейишарди. Мен фаввораларда чумилиб юрган болаларни қуриб, ҳайратга ботардим. Тошкентга бориш, уша эртақлардигдек самовий Оқ шаҳарни қуриш, энг буюк БАХТ эди.

Мен Оқ шаҳарни курдим. Мана шу Оқ шаҳарда, мустақил Ўзбекистонимизда яшаётган Сизларга, фарзандларим Юлдуз ва Хумоюнларга ҳавасим келади.

Саломат ВАФО.



... Бир йук экан, қадим замонда бир Искандар деган подшо утган экан. Искандарнинг сочини олган ҳар бир сартарошни у улимга буюрар экан. Бунинг сабабини ҳеч ким билмас экан. Ниҳоят подшоҳнинг сочини олишга сартарош топилмай қолибди. Қидириб, қидириб бир чол сартарошни топиб, подшо саройига келтирибдилар.

Искандар сочини олдириб булиб, чол сартарошни ҳам улимга буюрибди. Шунда чол куз ёши қилиб, подшога ёлворибди:

— Шохим, раҳм қилинг, етим набирларимнинг ризқини

ШОХЛИ ИСКАНДАР

қийманг!

Искандар: «Бу сирни ҳеч кимга айтмайсан!» деб чолга қасаб ичирибди. Сир шу эканки, Искандарнинг бошида шохли бор экан. Подшонинг шохли борлигини чол ҳеч кимга айтмай, юрагида бир дарддай сақлаб юраверибди. Ахири ҳеч тоқат қилолмай, бу сирни бир кишига айтиб, юрагини бушаттуса келибди. Лекин айтса боши кесилади, ноилж, боши оққан томонга қараб кетибди. Юриб-юриб бир тоққа яқинлашибди ва тоғ этагида куриб қолган бир қудуққа дуч келибди. Қудуқ яқинида даммини олиб утирибди. Атрофга қараб ҳеч ким йуқлигига ишониб, қудуқ тепасига келибди-да, қудуққа бошини суқиб:

— Искандарнинг бошида иккита шохли бор! — дебди. Шу билан юрагини сиқиб ётган ҳалиги сирдан қутулиб, енгил тортиб уйига қайтибди.

Бир неча кундан кейин сартарош сир айтиб қуйган қудуқдан узун бир қамиш усиб чиқибди. Тоғ тагида қуй боқиб юрган йигит қамишни кесиб, ундан най ясабди. Узи яхши курган куйни чалмоқчи булиб найни пуфласа, куй урнига:

«Искандарнинг бошида иккита шохли бор», деган овоз чиқаверибди.

Чупон кунгил қуйиб ясаган найини таплагиси келмай, чалиб юраверибди. Искандарнинг иккита шохли борлиги элга тарқалаверибди.

Бу воқеа Искандарнинг қулогига етибди. Подшо дарҳол чол сартарошни туғдириб келтирибди. Айгоқчилар чупонни ҳам тутиб келибдилар. Чупон билан чол иккиси подшо олдида қалтираб туришиб, булган воқеани айтиб бир қошиқ қонларидан кечишни сурабдилар.

Аммо подшо сартарош билан чупоннинг бошларини кестирибди ва найни синдириб ташлабди. Лекин подшонинг шохли ҳайвон эканлиги эл орасида тарқалиб, узоқ замонларгача оғиздан-оғизга кучиб юрибди.

ЯПРОҚ ЭМАС, БАРТ ЭМИШ...

— Ойижон мана бу нима?

— Буми Ҳасанжон, бу япроқ.

— Япроқ эмас, барг, — билагонлик қилади Ҳусанжон.

Юлдуз опа угилларига бу икки сўзнинг маъноси бир эканлигини ҳеч эринмай тушунтира кетади. Ҳар нарсга қизиқувчан Ҳасан ва Ҳусанларнинг эса саволлари тугамайди, ҳамма-ҳамма нарсалар ҳақида билгилари келади уларнинг.

Юмушлари ҳарчанд мул булса ҳам, она фарзандлари учун фурсат топади. Жонажон табиат, ҳайвонот ва усимликлар олами ҳақида қизиқ-қизиқ ҳикоялар сўзлайди. Уларни тинглаб фарзандларининг миттигина қалбида табиатга, жонивору паррандаларга нисбатан меҳр уйғониб, шаклланиб бораётганини Азиза опа Шоабзалова жуда яхши билади.

Бир одам йулда кетаётиб, тошга қоқилиб йиқилди. Оғриқ азобидан: «Вой шайтон, вой», деди. Шу пайт шайтон хачир суратида кўринди ва йиқилганга: «Қаршингдан келаётган ана у одамга мени сот», деди.

Йиқилган одам:

— Қанчага сотаман сени?

вирга кириб кетди,

Йуловчи:

— Вой, хачир қувирга кириб кетди, — деб бақира бошлади.

Шу ердан утган одамлар

«қувир ичида хачир бўлади-ми», деб уни аҳмоққа чиқа-

одам.

Уни яна руҳий касалликлар шифохонасига олиб борибдилар, уриб таъзирини беришибди. «Қувирда хачир йук, бу гапингдан кеч», дебдилар ва «Хачир қасрда? деб сураганларида, «Хачир йук» деб у одам яна қутулибди. Яна булоқ олди-га борибди, қараса шайтон яна тилини курсатибди. У одам:

— Биламан, биламан, сен шу қувир ичидасан, лекин энди ҳеч кимга айтмайман — дебди.

Бу ҳикояни ўқиганда кўз ўнгингизга нима келди? Қандай воқеа ва ҳодисаларни эсладингиз? Келинг, биргалашиб ривоят эртак айтишамиз. Тўқимангизнинг қанчалар қизиқарли ва ишончли чиқиши газета орқали чоп этилгач, маълум бўлади. Хатларингизни қутамиз.

**ҚУВИРГА КИРИБ
КЕТГАН ХАЧИР**

— деди.

Шайтон:

— Қанчага олса, шунчага сот, — деди.

Бирга олдинга юрдилар. Қаршисидан келаётган одам билан учрашгач: «Бу хачирни сенга сотай, сен ол, яёв юрасанми», деди. Арзон нархга хачирни йуловчи сотиб олди. Сунгра у одам хачирга миниб кетаётган эди, олдидан булоқ чиқди. Хачир сув ичгани чашмага интилди ва сув ичаётиб қу-

риб, жиннихонага олиб бордилар. У киши «Хачир қувир ичига кириб кетди», деяверди. Аввал уни аҳмоқлардан бири деб урдилар. Кейин «Ақлли-хушли одамга ухшайсан, «қувирда хачир йук, дегин қутулсан» дедилар. Сунг «Хачир қасрда?» деб сурасалар. «Қувирда хачир йук», деб жавоб берди-да, у ердан қутилиб чиқди. Сунг булоқ олди-га борди-да, қувир ичига қараса шайтон тилини курсатибди. «Хачир мана бу ерда», дебди у



ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир
Умида
АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Оффет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ Буюртма — Г-0317. 7691 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга топширини вақти 19.00 Топширилди — 18.30

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефон: 33-44-25

